

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 36-ҳадис

36 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَيْسَ الْغِنَى عَنْ كَثْرَةِ الْعَرَضِ، وَلَكِنَّ الْغِنَى عَنِ النَّفْسِ». مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ.

«العرض» بفتح العين والراء: هو المال.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам: **«Бойлик матоҳнинг кўплигига эмас, балки бойлик- нафснинг тўклигидадир»**, дедилар».

Муттафакун алайх.

Шарҳ: Ислом бизга ҳаётни ўткинчи бир матоҳ деб қарашга ўргатади. Ҳаётдан мўътадиллик ва ҳикмат билан, исроф қилмасдан фойдаланиши буюради. Бошқаларнинг қўлидаги нарсадан умидвор бўлиб, таъмагирлик тўрига тушиб қолишдан огоҳлантиради. Чунки нафс агар таъмагирлик, ҳавои нафс ортидан эргашиб, шаҳватга шўнғир экан, кишини абгор қилиб, нобуд этмагунча тўхтамайди. Нафсига қул бўлган бандада эса дўзахга равона бўлади. У жой нақадар ёмон маскандир!

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Ҳақиқий бойлик нафсда бўлади, мол-мулкда эмас.
2. Инсон кўплаб мол-мулкка эга бўлиши мумкин, лекин камбағал ҳолида қолаверади. Шунча бойликка эга бўлишига қарамасдан мулкдор бўлиш ортидан қувишда бардавом бўлади.
3. Қаноатли ва иффатли бўлиш Исломнинг талабидир.
4. Ислом устки зоҳирга эътибор бермайди, балки у асл жавҳарига эътибор қаратади.



NUBUVVAT MARVARIDLARI